



“ТАСДИКЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Бош Давлат санитария врачи,
ҳайъат раиси

Б. Юсупалиев

2023 йил 20 июль

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати йиғилиш
2-сон БАЁНИ

2023 йил 20 июль

Тошкент шаҳри.

Раислик қилувчи:

- **Б.Қ. Юсупалиев** - Ўзбекистон Республикаси
Бош давлат санитария врачи, Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик
осойишталиқ ва жамоат саломатлиги қўмитаси
раиси.

Иштирок этдилар:

- Ўзбекистон Республикаси Санитария-
эпидемиология ҳайъати аъзолари, Санитария-
эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат
саломатлиги қўмитасининг марказий аппарати,
илмий-тадқиқот институтлари ва республика
тасарруфидаги муассасалар раҳбарлари. (*рўйхат
бўйича*)

КУН ТАРТИБИ:

**1. Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати
фаолиятини қайта ташкил этиш.**

(Юсупалиев, Норбоев, Атабеков, Таджиев, Камилова, Юсупалиев)

Ҳайъат кун тартибида муҳокама қилинадиган масала йиғилиш
иштирокчиларига таништирилди. Ҳайъат аъзолари томонидан кун
тартибига эътиrozлар билдирилмади ва бир овоздан маъқулланган
ҳолда, тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош Давлат санитария врачи томонидан
Ўзбекистон Республика Президентининг 2023 йил 25 январдаги
“Республика ижро ҳокимияти органлари фаолиятини самарали йўлга
қўйишига доир навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”
ПФ-14-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2023 йил 20 июндаги "Маъмурий ислоҳотлар доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-197-сонли қарори ҳамда 2020 йил 27 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4790-сонли қарори билан белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати фаолиятини қайта ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи Б.Юсупалиевнинг таклифи йиғилиш иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинган ҳолда, Ҳайъат қарор қиласди:

1. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати ҳақида низом **1-иловага**;

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати таркиби **2-иловага** мувофиқ мақуллансан.

2. Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъатида муҳокама этиладиган масалалар долзарблигидан келиб чиқиб таклифлар киритиб борилсан.

3. Ҳайъат котиби (Н.Ташбаев):

бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъати ҳақидаги низом ва таркибини тасдиқлаш бўйича Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раисининг буйруғини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритсан.

Ҳайъат йилишлари ҳужжатларини расмийлаштириш, тегишлилиги бўйича муассасаларга етказиш ва ижросини назорат қилиш жараёнлари мақулланган низом талаблари асосида олиб борсин;

жорий йилнинг 10 декабрь сана сиғача Соғлиқни сақлаш вазиригининг Ҳайъат йиғилишлари ва Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиология ҳайъатида келгуси йилда муҳокама қилинадиган масалалар бўйича масъул мутахассислар иштирокида таклифлар тайёрлансан.

4. Мазкур баён билан қабул қилинган қарор ижроси юзасидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Ҳайъат котиби

Н. Ташбаев